



Хабар

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMUNIKATSİYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 2 noyabr № 45 (478)

Sotuvda narxi erkin



Карши шаҳар телефон тармоғи абонентлар бўлими оператори Шоира ЖОВЛИЕВА ҳисоб-китоб ишларини олиб борапти.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ўтказган селектор орқали йиғилишда Давлат алоқа инспекцияси ходимлари, "Ўзбекистон почтаси" ДАК ва унинг таркибдаги акциядорлик жамиятла-

бу ишларни тўлақонли амалга ошириш учун эса маблаг етишмайди. Демак, почта корхоналари кўпроқ фойда келтирадиган манбаларни қидириб топишлари керак.

Почта соҳаси молиявий-

ПОЧТА — ЭНГ НОЗИК ХИЗМАТ

ри, шаҳар ҳамда туман филиаллари раҳбарлари иштирок этишди.

Йиғилишда бир қараганда осондек туюладиган почта хизматининг аслида жуда масъулиятли эканлиги, ҳозирда маъжуд 3300 та почта филиаллари ва бўлимларида минглаб ходимлар меҳнат қилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Маълумки, хатлар, телеграммалар, пул ва бошқа жўнатмалар, бандероллар почта хизматини ташкил этади. Шу билан бирга почтачиларга пенсияларни хонадонларга етказиб беришдек масъулиятли ҳамда шарофли вазифа ҳам юклатилган. Афсуски, айрим жойларда — Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро ва Жиззах вилоятларида банк томонидан пулни вақтида бермаслик натижасида пенсия тарқатишда узилтишлар содир бўлмоқда. Жиззах, Наманган ва Тошкент вилоятларида эса иш яхши йўлга қўйилмаганлиги ва назоратнинг бўлиши сабабли пенсия етказиб бериш муддатлари қўзилмоқда. Йиғилишда бу камчиликлар ҳам жиддий танқид қилиниб, уларни бартараф этиш чоралари белгилаб олинди.

Республикамизда почта хизматини янада яхшилаш ва иш сифатини ошириш учун қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. 2000 йили қабул қилинган "Почта тўғрисида"ги қонун бўйича почта корхоналари моддий-техника базалари мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар олиб боришмоқда. Почта корхоналари компьютерлаштирилишти, Интернетга уланмоқда, почта-банк хизматлари жорий этилмоқда ва аҳолидан коммунал хизмат ҳақлари ундирилмоқда. Лекин

иктисодий томондан мустаҳкамланиш учун ҳали кўп масалалар ҳал қилиниши керак. Почтачиларга алоҳида имтиёз яратилиши, уларнинг иши пул муомаласи билан боғлиқ бўлганлиги боис бошқа молия маъсасалари сингари уларга ҳам доимий равишда тариф сеткаси асосида қўшимча ҳақ тўлаш мақсадга мувофиқдир. Буларни амалга ошириш учун эса аввало Таъминот-Банк Почта тизимлари ўртасида узилишлар бўлмаслигини таъминлаш лозим.

Почта хизмати сезгирлигини ва қаттиқ назоратни талаб қилади. Ходимлар қайси буюмларни жўнатиш мумкин ёки мумкин эмаслигини, озгина эҳтиётсизлик катта қўнғилсизликка олиб келиши мумкинлигини яхши билишлари керак. "Почта тўғрисида"ги қонунда ҳам кўрсатиб ўтилган. Бундай кўрсатмаларга доимо амал қилиб келишмоқда. Аммо жорий йил, 11 сентябр кўни АҚШда содир этилган террорчилик, сўнг унинг давомси сифатида хавфли касаллик — "сибир куйдиргиси"нинг хатжилдларга солиб жўнатилаётгани дунё почта ходимлари олдида катта, масъулиятли вазифаларни қўйди.

Бундай ноҳуш ҳоллар юз бермаслиги учун почтачиларнинг ўз хизмат жойларида хушёр бўлишлари биринчи галдаги вазифа эканлиги, шубҳали ва талабга жавоб бермайдиган хатлар бўлса, дарҳол тегишли жойларга хабар бериш кераклиги, бунинг учун барча зарур чораларни қўриш лозимлиги селектор йиғилишида яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

А. КУДИНОВ

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мақсиди Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. ОРИПОВ бошқарилиши.

Йиғилишда акциядорлик компания ва жамиятлари, корхона, таъминот раҳбарлари қатнашди.

Кенгайтирилган мажлисда Агентлик Бош директори А.Орипов "Почта ва телекоммуникациялар тармоқларининг жорий йил 9 ойлик иқтисодий-иктисодий ривожлантириш йўналишлари" тўғрисида маъруза қилди.

Маърузада таъкидланганидек, ўтган тўққиз ой мобайнида барча турдаги алоқа корхоналари томонидан 64,6 млрд. сўмлик, жумладан аҳолига 23,2 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилди. Олинган даромадларнинг 5 фоизи давлат корхоналари, 60 фоизи акциядорлик жамиятлари, 35 фоизи эса қўшма корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жўнатмалар 26, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар сони 7 ва хат жўнатмалари 1,3 фоизга ошди. Ўрнатилган телефон аппаратлари сони 66,63 мингтага етди. Аммо 33,24 минг телефон аппаратларидан воз кечилганлиги аниқланди. Натижада телефон аппаратларининг ўсиши 33,389 мингтадан ташкил этили, ҳоло. Жорий йилнинг 1 октябрга 2410 та телефон олиб қўйилиши, 235,7 мингта телефон эса ўчирилди. Базиди ҳеч қандай оғоҳлантирилишсиз телефонлар ўчириб қўйилмоқда. Бу эса миксозларнинг эълорозларига сабаб бўлаётди.

Давлат алоқа инспекцияси бундай ҳолатлар юзасидан қаттиқ назорат ўрнатилиши ва корхоналарга санкишлар қўйлаши лозим. Телефондан воз кечилар сонининг юқорилиги яхши кўрсаткич эмас. Тақдир шунини кўрсатмоқдаки, телефонлар асосан ҳақ тўламаганлиги учун олиб қўйилган. Қўйлаб бюджет корхоналари эса ортиқча телефонлардан воз кечмоқда. Воз кечилган телефонларни зудлик билан навбатда турган миксозларга ўрнатиб

бериш лозим. Бунинг учун "Ўзбектелеком" АК белгиланган тадбир бўйича иш олиб бормоқда. 6179,5 млн. сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, ўз ўрнида ишлатилди. Лекин омборхоналарда тайёр маҳсулотларнинг метёрдан ортиқчилиги чидаб бўлмайдиган ҳолдир. "Пренос" АЖ бош директори кечиктирмасдан бундай ҳолатга чора қўриши керак. "Промсвязь" АЖ заводи раҳбарияти Агентлик ҳайъатига корхона фаолиятини яхшилаш ҳақида ваъда беришганди. Бирок, аҳвол ўнгиланиши ўрнига ёмонлашмоқда.

Агентлик почта ва телекоммуникация корхоналарида дебиторлик қарзлар 8589,6 млн. сўмни ташкил этади. Муддати ўтган қарздорлик йўқ. Алоқа корхоналарининг кредиторлик қарзлари эса 8556,1 млн. сўмдан иборат. Кредитор қарздорлиқни қамайтириш бўйича мунтазам шуғулланилмоқда. "Қорақалпоқ Телеком" АЖнинг жорий йил, 1 октябрга бюджетдан қарзи 12,7 млн. сўмни ташкил этади. "Наманган почтаси", "Тошкент почтаси", "Самарқанд почтаси", "Сирдарё почтаси", "Жиззах почтаси" АЖ лари ҳамда "Пул жўнатмаларини айирбошлаш назорати" ташкил қилиш маркази" каби шубҳа корхонаси эса иқтисодий зарар билан ишлаётган корхоналар ҳисобланган.

Почта ва телекоммуникациялар ходимларининг умумий сони 42,7 минг нафарини ташкил этиб, уларнинг ўртача ойлик маош миқдори 27735 сўмдан иборат бўлди. Иш ҳақлари барча корхоналарда ўз вақтида тўланди. Тармоқда 31 сентябрга маош масаласи бўйича "Алоқавест" АЖда муддати ўтган қарздорлик 1,7 млн. сўмни ташкил этиди. Лицензияли келишув асосида 279 хўжалик субъектида режалар текширув ўтказилди. Шу давр мобайнида сифатсиз алоқа хизмати кўрсатгани учун мўмурий жавобгарликка тортилган 120 нафар раҳбардан 467,9 минг сўм ундирилди.

Корхоналар айби билан содир этиладиган шикоятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,9, электралоқа соҳасида 7,7 фоизга камайган. Почта алоқаси бўйича эса 51,5

фоизга ошган. Алоқа сифатининг яхшиланиши ва шикоятларнинг камайишида Давлат алоқа инспекцияси фаол иш олиб бормоқда. Шунинг учун ҳам алоқа соҳасининг кўзгуси ҳисобланган ДАИ фаолиятини Агентлик катта эътибор бормоқда. Бирок инспекцияда малакали мутахассислар етарли эмас.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан саккизта илмий-тадқиқот ишлари, 33 та қўғуний ва метёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Шунга қарамай маркетинг тадқиқотлари кам ўтказилган.

"Онлар ва болалар йили" дастури асосида барча корхоналарда режа асосида махсус комиссиялар ташкил этилиб, қўшимча равишда "Соғлом алоқа" тадбирлари ўтказилган.

Ўзбекистон телекоммуникациялар бозорига Микрооператорлик лойиҳасини жорий этиш мақсадида либераллаштириш бошланган. Ушбу лойиҳа бўйича республикамизнинг 180 та қишлоқ ва туманларида микрооператор тармоқлари ташкил этиш кўзда тутилган. Тармоқда республика бўйича ахборот технологияларини ривожлантириш вазифаси турибди. Бунинг учун Интернетдан кенг фойдаланиш лозим. Ҳозирда қатор почта алоқа бўлимларида мазкур хизмат йўлга қўйилган. Тошкент электротехника алоқа институтини ахборот технологияларини кенгайтириш мақсадида электрон клубона ташкил этилди. Шунингдек, маърузада яна кўп масалалар тилга олиб ўтилди.

Йиғилишда Агентлик Бош директори ўринбосари А. Жикаев, "Ўзбектелеком" АК бош директори Х. Муҳиддинов, "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директори А. Маҳмудов, "Матбуот тарқатуви" АК бош директори Р. Қосимов ва Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи М. Рўстамовлар сўзга чиқдилар.

Кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

И. АҲМЕДОВ

Обуна — 2002

"ХАВАР" ГА ОБУНА
БЎЛИНГ!

ЎРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Янги обуна мавсуми бошланди. Агар Сиз "Хавар"га яна обуна бўлсангиз, алоқа соҳасидаги жамки янгиликлар, муаммолар ва даққат сазовор масалалардан ўз вақтида хабардор бўлиб борасиз.

"Хавар" газетасига 2002 йил учун обуна давом этмоқда. Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Нашр қўрсаткичи:

Якка тартибдаги обуначилар учун — 227.

Ташкилотлар учун — 228.

"Хавар" газетаси ҳар ҳафта-нинг муборак жума кўни хонадонингизга қириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилиш!

ОҒОҲЛИК ДАВР ТАЛАБИ

"Наманган почтаси" акциядорлик жамиятида терроризмга қарши кураш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда корхонанинг шаҳар, туман филиаллари раҳбарлари, бўлим бошлиқлари ва мутахассислари қатнашди. Корхона директори Раҳимжон Турғуновнинг маърузасида жорий йилнинг 11 сентябрга АҚШда содир этилган мудҳиш жиноятдан сўнг деярли барча мамлакатларда терроризмга қарши кураш кенг миқёсда олиб борилаётганилиги, лекин шунга қарамай террорчилар томонидан тинч аҳолига қарши бакте-риологик қўрол — "сибир куйдиргиси" Америка Қўшма Штатларида хатжилдларга солинган ҳолда жўнатилаётганилиги айтиб ўтилди. МДХ давлатларида ҳам аҳолини нотинч қилиш мақсадида шубҳали жўнатмалар юборилаётганилиги шу боис барча почта алоқа хизмати корхо-

наларида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар ҳаминша хушёр-сергак бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Кун тартибдаги масала юзасидан сўзга чиққан Қосонсой, Учкўрғон ва Янгиқўрғон филиал бошлиқлари М. Ҳамроев, А. Қурбонов ва М. Файзиддиновлар ҳам содир этилган воқеаларга ўз муносабатларини билдиришди.

Махлус сўнггида барча почта алоқа хизматларида хавфсизликни таъминлаш ва ходимлар муҳофазасини қучайтириш масаласи асосий-ча қўриб чиқилди. Жойларда юберилаётган ва келаятган хатларни текширадиган гуруҳлар тузилиш, зарурат туғилганда навбатчилик ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Б. БОЛТАБОВ,
Наманган вилояти

Бозор иктисодиёти тadbиркорлик ва ишбилармонлик учун кенг йўл очиб берди. Афсуски, тadbиркорлик билан шуғулланиб, ҳалол меҳнат қилаётганлар қатори давлат қилаётганлар ҳам учраб турибди.

Маълумки, телекоммуникация тизимида, электралоқа ускуналари таркибид

қимматбаҳо рангли металллар кўп ишлатилади. Айнан ушбу металлларни ўғирлаб кетиш ҳоллари кейинги пайтда Андижон вилоятида тез-тез содир бўлмоқда. Электралоқа кабеллари симёғочлардан, кабел канализацияларидан, ҳатто қишлоқлардаги кичик АТСлардан ҳам ўғирланиши вилоят алоқа тармоғига жиддий зарар келтирмоқда. Албатта, бу каби салбий иллатларга қарши курашиляпти. Телекоммуникация тизимини турли таъжовулардан ҳимоя қилиш мақсадида кабеллар ва жиҳозларга сигнализация ўрнатилди, қудуқлар қулфлар билан берkitилди, айримлари эса пайвандлаб қўйилди. Автотранспорт билан таъминланган тезкор гуруҳлар наватчилиги ташкил этилди. Ички ишлар органлари, божхона хизмати билан ҳамкорликда ўғирликларнинг олди-

ни олиш, жиноятчиларни қўлга тушириш режалари ишлаб чиқилди. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда посбонлик ҳаракати ҳам йўлга қўйилди. Қўридан чоралар туфайли туманларда бир неча ўғирликнинг олди олинди, қонунбузарлар ички

СИМЁҒОЧГА ТИРМАШГАН ЎҒИРЛАР

ишлар бўлимларига топширилди. Минг таассуфки, қўрилаган барча эҳтиёт чораларига қарамай ўғирликлар ҳамон давом этмоқда.

Жорий йилнинг тўрт ойи давомида шундай ўғирликлар бўйича 52 та жиноий иш қўзғатилган. Булардан ташқари, тезкор гуруҳ этиб келиши натижасида кабелни қирқиб олиб кетолмай қолган, шу сабаб қонунбузарлар шахси аниқланмаган ҳоллар ҳам мавжуд. Афсуски, шахarning Жаҳон бозори яқинидаги Тожик маҳалла қора ва рангли металллар савдоси марказига айлангани ҳеч кимга сир эмас. Яқинда қорхона мажлислар залида ички ишлар органлари ва божхона қўмитаси вакиллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда айнан шу муаммо атрофида таҳлил қилинди. Бўлим линия ва станция муҳандислари, қорхонада электралоқани таъмин-

● Муаммо

лашга бевосита алоқадор бўлган мутахассисларга рангли металл ўғирликларнинг олдини олиш, ўғирлашга уриниш ҳолларида тегишли

ҳодимлар қандай ҳаракат қилишлари, ички ишлар ва божхона ҳодимлари билан

ўзаро ҳамкорликда олиб борилиши лозим бўлган ишлар хусусида тавсиялар берилди. Йиғилишда ўғирлик юз берганда ҳужжатларни зудлик билан ички ишлар вакиллари етказиш зарурлиги, иложи бўлса, алоқа тизимида ишлаб кетган шахсларни суриштириш ҳам фойдадан холи бўлмаслиги таъкидланди.

Юқорида тилга олинган ишлар ва тавсиялар асосида ишлар ташкил қилинса, кўп ўғирликларнинг олди олинади. Маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, ўғирликлар юз беришига туртки бўладиган ҳар қандай ҳолатлар бўйича эҳтиёт чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Р. УЗОҚОВ,
Андижон вилояти

АҲИЛЛИК ЮТУҚЛАР ПОЙДЕВОРИДИР

Яқинда мухбиримиз Олмалик шахрида бўлиб, "Тошкент Телеком" АЖ Олмалик филиали бошлиғи Жумадулла РАЖАПОВ билан суҳбатлашди.

— Жумадулла ака, газетхоналаримизга аввало Олмалик ҳақида қисқача таъриф беришгиз.

— Олмалик Тошкентдан 60 км. жануби-шарқда, денгиз сатҳидан 600 метр баландликда жойлашган. Аҳолиси 130 минг аҳолида. Олмаликнинг металлургия ва қимёгарлар шахри дейишди. Бу ерда йирик саноат, қурилиш, қимё, уй-рўзгор буюмлари, мебел ишлаб чиқарувчи корхоналар бор. Улар орасида Олмалик тоғ-металлургия комбинати, "Аммофос" заводи ва бошқа бир қатор корхоналар алоқиди ўрин тутади. Биз 1-сентябрда қўшалоқ байрам — республикамиз мустақиллигининг ўн йиллиги ҳамда шахримизнинг 50 ёшга тулишини қутаринки руҳда ўтказдик. Асосий байрам тантаналари стадионда ўтказилди ва биз — алоқачилар овозини қучайтириш, радиотармоқларга узатиш, алоқа хизматини ташкил этиш ишларини амалга ошириб, байрамга ўз ҳиссасини қўшдик.

— Корхонанинг фаолияти ҳақида ҳам сўзлаб беришгиз.

— 1960 йили тармоқда 4000 рақамли биринчи декадали олимлаб ишловчи АТСимиз бўлди. Ҳозир умумий сифми 24000 бўлган тўртта АТС ишлаб турибди. Улар АТСК-100/2000, АТСКУ ва Жанубий Корейнинг "ДЭУ" компанияси билан ҳамкорликда ўрнатилган ДТС-3100 русумидаги электрон АТСлардир. Абонентларимиз сони 20145 та бўлиб, бу рақам кундан-кунга ўсиб бормоқда. Масалан, шу йилнинг тўққиз ойидаги ўсиш 400 ташиқил этди. Ана шу даража дарамад режамиз 105,5 фоизга бажарилиди. Ишимизда сифат жиҳатидан ижобий ўзгаришларга эришилди ва энг муҳими — абонентларимиздан қорхона хизматига тавдлуқли бирорта шикоят тушмади. Тўғри, баъзи бир кўрсаткичларда пайсыйш ҳолати ҳам кузатилди. Жамоамиз аъзолари билан биргаликда бу ҳолатларни таҳлил этиб, зарур чора-тадбирларни кўрмоқдамиз.

— Ходимларнинг иш шароитлари ҳамда кадрлар масаласи қай аҳволда?

— Ходимларимизга барча шароит яратиб берилган. Уларнинг касб маҳорати, иш стаж, меҳнат шароити ва ишга муносабатига қараб амалдаги қонун ва қарорлар асосида мукофот пули ҳамда қўшимча ҳақ тўлаб бориляпти. Уртача иш ҳақи 29393 сўм миқдорида режалаштирилгани ҳолда амалда бу кўрсаткич 33217 сўм этиб белгиланди. Кадрлар билан ишлаш ҳақиқатан ҳам ўта муҳим ишдир. Шу боис уларни тан-

лаш, иқтисоди ва салоҳиятига қараб жой-жойига қўйишга катта эътибор бермоқдамиз. Узоқ йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган қабилчалар Эргаш Тангиров, Ахор Машарипов, устаси монтерлари Карим Назаров, Улугбек Каримов, электр ускуналари монтери Надежда Курбидиновалар ёшларга ҳам касб, ҳам ҳаётини тажрибаларини ўргатиб, устозлик қилиб келмоқдалар.

— Муаммолар ҳақида ҳам тўхталингиз?

— Биз ҳам барча электралоқа корхоналарида бўладиган камчилик ва нуқсонлардан, фавқулодда ҳолатлардан холи эмасмиз, албатта. Шулардан бири алоқа кабелларининг ўғирланиши ҳолатларидир. Абонентларимизга ва алоқачиларга моддий ҳамда маънавий зарар етказиётган ушбу иллатга чек қўйиш ва бозорларнинг пайини қирққиш учун бор имкониятимизни ишга соялтиш. Барча магистрал кабелларимизни ҳаво босими остида назорат қилиб турибмиз. Шафларимиз қўлланган ва миллиянинг қўриқлаш пулларига топширилган. АТСда наватчиликни ташкил этидик. Наватчиларга транспорт бириктирилган. Улар миллияни ҳодимлари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Натияжада кабел ўғирлашдан бир непаси қўлга тушиб, ўз муносиб жазосини олди. Шунингдек, оқсоқиллар ва фаоллар ёрдамида кўп қаватли уйлар ҳамда маҳаллаларида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Натияжада кабел ўғирланиши ҳолати кескин камайди. Бошқа масалаларни эса "Тошкент Телеком" АЖ раҳбариятининг маслаҳати ва жамоа аъзоларимиз билан ҳам жиҳатидан ҳал этиб келишмиз.

— Келгуси режаларингиз...

— Алоқа техникаси ва технологияси мисли қўрилмаган даражада, тез суръатлар билан тақомиллашиб ва замонавийлашиб бормоқда. Имонимиз даражасида шу жараёнлардан ортада қолмасликка ҳаракат қилишмиз. Хусусан, яқин кунларда "09" хизматини компьютерлаштиришни режалаштирганимиз. Ҳозирча абонентлар бўлими, абонентлар билан ҳисоб-китоб бўлими ва бухгалтерия ишлари компьютерлаштирилган. Мақсадимиз бошқа хизматларни ҳам қўшган ҳолда маҳаллий компьютер тизимини яратиш ҳамда 5-АТС ускуналарини замонавий электрон АТСга алмаштиришдир. Бу вазифаларни келгусидаги режаларимиз дейиш мумкин. Олдинда эса алоқа хизматини жаҳон андозлари даражасига олиб чиқиш каби катта ишлар турибди. Жамоамиз аъзолари бу вазифаларни улдасидан чиқаришларига ишончим комил. Бунинг учун бизда имкониятлар ва энг зарур омил — жамоада интизом, ўзаро ҳурмат ва аҳиллик бор. Аҳиллик эса ютуқлар пойдеворидир.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ
суҳбатлашчи

● Орамиздаги одамлар

АЛОҚАЧИЛАР СУЛОЛАСИ

Телефон алоқасининг бугунги кундаги аҳамияти беқисс. У бизнинг узоқимизни яқин қилади, энг муҳими — вақтимизни, қувватимизни тежади. Шу боис ҳам алоқа соҳаси тобора ривожланиб бормоқда. Айни чоғда ушбу касб эгалари ҳам эҳтиёж ортаверди.

Балхи ака барча оила аъзолари ва қаринош-уруларини ўз касбига қизиқтира олди. Натияжада хотини Нодирахон, ўғиллари Омонқелиди ва Ақромжонлар ҳам алоқачилик касбининг эгаллаб, шу соҳанинг фидойиларига айландилар.

Сулота бошлиғи Балхи ака Ҳудобердиев Форш туманида ўттиз йилдан буён алоқачилик касбининг ардоқлаб, ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. Утган йиллар мобайнида у алоқа бўлими бошлиғи вазифасида ҳам ишлади, қўлаб шоғирлар етиштирди.

Одамларнинг оғирини енгил қилиш жуда катта савобдир. Савоб ишини кўп қилганга эса Худо омад бераверади. Биз бу соҳада узоқ йиллар хизмат қилиб, кам бўлмадик, —

дейди Балхи ака.

Нодирахон ҳам узоқ йиллар давомида турмуш ўртоғи билан ёнма-ён ишлаб келди. Катта ўғли Омонқелиди эса 25 йил мобайнида Гулистон шаҳар алоқа бўлими бошлиғи вазифасида меҳнат қилди. Етук мутахассис бўлгани боис у Сирдарё вилояти Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи вазифасида қўтарилди. Кичик ўғли Ақромжон ҳам алоқа соҳасида 26 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Алоқачилар сулоласининг бир вакили сифатида ота касбини давом эттириб келаётганимдан мамнунман, бу касб мен учун ҳам қадридир. Шунга йиллик фаолиятим давомида, ҳудода шукри, ҳали бирорта шикоят эшитилмади, — дейди Ақромжон биз билан суҳбатда.

Орамизда шундай фидойи одамлар кўпаяверсин, дейимиз.

Б. ТУРДИЕВ,
Сирдарё вилояти



Тошкентдаги 56-АТС электромонтери Иброҳим СОЛИХОВ электр ускуналарни кўздан кечирмоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

"Тошкент телеграф-телефон станцияси" очик турдаги акциядорлик жамияти

акциядорларининг наватбатдан ташқари умумий йиғилиши 2001 йил, 20 ноябр, соат 10⁰⁰ да Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-уйда ўтказилади.

Акциядорлар соат 9⁰⁰ дан бошлаб рўйхатга олинади.

Акциядорлар реестри 2001 йил, 21 сентябр ҳрлати бўйича ёпилган.

КУН ТАРТИБИ:

1. "ТошТТС" ОАЖ Низоми ва проспекти эмиссиясига ўзгариш киритиш, янги тахрирдаги Низомини тасдиқлаш.
2. "ТошТТС" ОАЖ Кузатув Кенгашига аъзоларни қайта сайлаш.
3. "ТошТТС" ОАЖнинг "Ўзбектелеком" АКга қўшилиши муносабати билан қайта ташкил этилиши.

Кузатув Кенгаши

ТЕРРОРИЗМГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

"Самарқанд Телеком" шўъба қорхонасида Темирийўл тумани "Маънавият ва маърифат" маркази билан ҳамкорликда халқаро терроризм ва унга қарши кураш масаласига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда қорхона бош директори М. Саматов маъруза қилди.

— Бугун терроризм ўзининг жирканч башарасини яққол намойён қилди, — деди маърузачи. — Дунёнинг барча тинчликсевар халқлари: Американинг терроризмни йўқ қилиш борасида олиб бораётган курашини, қўллаб-қувватламоқда. Бу воқеага нисбатан Ўзбекистоннинг тутган позицияси Президентимиз берган Баёнотда тўлиқ ўз аксини топган. Халқимиз ҳам ҳукуматимиз тутган бу йўлни тўла маъқулamoқда. Мақсади фақат тинч, аҳоли қалбига қўрқув солиш, қон тўкиш, хунрезликдан бошқа нарсани бўлмаган террорчиларга ҳеч қарда омонлик йўқ.

Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққанларнинг барчаси "XXI аср вабоси", деб эътироф этилаётган халқаро терроризмининг қатий қораландилар. Йиғилишни туман ҳокими ўринбосари Т. Сатторов олиб борди.


З. ХУДОЁРОВА,
Самарқанд вилояти

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Аломат аудит" масъулияти чекланган жамият жамоаси қорхонанинг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича аудитори **Рестонберген БАЛПАНБЕКОВ**нинг 60 ёши билан чин дилдан табриқлайди. Унга узоқ умр, сийдат-саломатлик, оилавий хотирхаллик ва алоқа соҳасидаги ишларида муваффақиятлар тилайди.

"Навоий Телеком" АЖ ва вилоят алоқа ҳодимлари бирлашган қасба уюшмаси қўмитаси жамоалари қорхонанинг ҳуқуқшуноси **Саҳобиддин САРСЕНБЕКОВ**ни туйилган кўни билан табриқлайди. Унга сийдат-саломатлик, бахт-саодат, ишларида эса янгидан-янги ютуқлар тилаб қилади.

"Фаргона почтаси" АЖ жамоаси қорхона директори **Нўрмоҳаммад КАРИМОВ**ни туйилган кўни билан чин юракдан табриқлайди. Унга тинчлик, хотирхаллик, соғлиқ, оилавий бахт, ишларида омад тилаб қолади.



«Ўзбекистон»

СЕШАНБА, 6

СЕШАНБА, 6

ЧОРШАНБА. 7

НОРШАНБА. 7

«Ешлар» телеканал
8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Имтиҳон», «Боланинг тили». 9.40 «Муълтомоша». 10.00 «Давр» интервью. 10.15 «Ўзбекистон»

ПАЙШАНБА, 8

ПАЙШАНБА, 8

«Ёшлар» телеканали

«Ёшлар» телеканал

«Халқаро» телеканал
ДЖТ 7 20 0 00

«Халқаро» телекана
ДҲТ 7.20.0.00

ЖУМА, 9

ЖУМА, 9

Телесериал. 21-қисм. 1
«Наво таралсин». 15.40 «Х
забавлари». 16.00 «С

«Наво таралсин». 15.40
«Бабакдан»: 16.00

«Фарзандим-жигарбандим»,
18.55, 21.55 Иқлим, 1

18.55 21.55 Иқлим.

ШАНБА. 10

ШАНБА. 10

қисм. 14.25 «Дүс
видеоканали: «Меҳра

«Москва кўз ён
шундайди. Бозий, ф...

«Ешлар» телекана
7.55 Кўрсатувлар дастури

8.00 «Давр тонги», 9.00
авлод» студияси: «Уй ваз

фильм 3-қисм. 21.15
Оби аждодларимиз. 21.25
нал 21.45. Оқтин мерос

«Давр». Ахборот дастури
«Филип Марлоу». Телесел

9.00 Курсатувлар тартиби
«Дурдаршан», 9.30 «Кино»

раси». 9.50 «Соккер-клуб»
Е. Петросяннинг Кулги

ЯКШАНБА,

«Узбекистон»

16.55 «Уй бекаси» 17.15
замин оҳанглари

Мультифильм 18.00 «Ол»
Телеуийн 18.25 «Якк»

«Ешлар» телекан

8.00 «Давр тонги». 9.00 «Давр тонги». 9.00 «Давр тонги». 9.00 «Давр тонги».

18.40 «Мультик»

куришгунча. 18.55, 21.55

Буюк
утбол
22 00

«Халқаро» телек
0 00 Қорғастарлар тартиб

9.05 «Кайфият». Дам с

(*Тошкентдан гашиш)

ва кўрсатами
теледастуридан ол

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Собиржон МҲМИНОВ ижоди мавзу кўламининг кенглиги, шаклининг ранг-баранглиги, мазмундорлиги, оҳанг ва овозининг ўзаро муносивлиги билан ажралиб туради. Унинг кўшиқларида эл-юртга нисбатан эҳтиром ва меҳр-содоқат ҳиссларига вобаста ёниқ бир юракнинг ҳароратли тафтиши туйиш мумкин. С. Мўминов ижросидаги "Бир кам дунё", "Суйган сари", "Беҳуда ёри бўлмади", "Йиғлама ёр", "Қурбониман юршларинг", "Моҳитобон бўласиз", "Ёлғизлик ёмон", "Сизнинг борингизга шукур", "Жон қизлар кўнгли берманг номдорларга" каби ўнлаб кўшиқлари аллақачон ўз тингловчисини топган.

— Собиржон ака, айтингчи тажрибали кўшиқчи сифатида қайси шоирнинг ижоди сизга кўпроқ манзур бўляпти?

— Бутунги кунда репертуаримда олтишдан зиёд кўшиқлар бор. Куйларни асосан ўзим басталайман. Мен шоир танламайман, балки шеър танлайман. Кўшиқ борасида ҳам шундай, маълум бир ижрочини эмас, яхши кўшиқларнигина эшитаман...

— Яхши кўшиқ қандай мезонга кўра ўлчаниб, баҳоланади? Биз нимага асосланиб "яхши кўшиқ" ёки "ёмон кўшиқ" деймиз?

— Шеър қайси мавзуда бўлишидан қатъий назар, муסיқаси аввал бошланок тингловчинини ўзига жалб этиши лозим. Ижрочининг овози кўшиққа ҳамоҳанг бўлсагина кўшиқ кўнглидагидек чиқади.

— Эстрадалнинг миллийлиги ҳақида фикрингиз?

— Ҳар бир миллатнинг ўз эстрадаси бўлиши мумкин. Шунингдек, ўзбекона оҳанглари-нинг маълум бир шаклда ифодаланиши айнан миллий эстра-

радалнинг ўзидир. Бироқ, РОК ва ПОП каби йўналишлар бизга бегона, миллийликдан узоқ усуллардир.

— Ҳозирги пайтда турли савиядаги кўшиқлар кўпайиб кетди. Тингловчиларга юксак савиядаги

кўшиқларни тақдим эта олиш учун аввало нималарга эътиборни қаратиш лозим?

— Менимча, дастлаб юксак дидли кўшиқчиларни тарбиялаш лозим. Негаки, улар яратган кўшиқларнигина тингловчи эшитиши, шунга мослашади... Афсуски, сўнгги вақтларда истеъдод

бўлса-бўлмаса ҳам санъат воситасида тирриклик қилаётганлар кўпайиб кетди.

— Илк бора катта саҳнада ижро этган кўшиқчингизни эслай оласизми?

— Мен ўша дамларни бир умр эсдан чиқармасам керак. Улар "Соғиндим", "Зеболанмасин" номли кўшиқлар эди.

• Сиз кутган учрашув

— Улар бироз миллийликка эътибор беришса ёмон бўлмасди. Назаримда, бутунги санъатимиз тараққиёт сари эмас, орқага кетаётгандек туйилади. Биз бошқа халқлар санъатини ўзимиз билмаган ҳолда ўрганапмиз, ўзимизникини эса унутаяпмиз. Қолаверса, бачкана кийимлар кийиб теле-зорга чиқиш бу ҳали санъат дегани ҳам эмас. Санъат — бу му-

— Ўзбек кўшиқчилигида асосий мавзу ёлғизликнинг лирик кечинма ҳамда туйғулар таъри-фигагина бағишланган деган фикрга муносабатингиз?

— Сўнгги вақтларда мавзулар кўлами кенгайиб бормоқда. Масалан, табиат ман-

камаллик, тугал гўзаллик, юксак маданият демак. Унга эришиш учун жуда кўп меҳнат қилишга тўғри келади.

— Сўнгги пайтларда "санъат осмонида юлдузлар" кўпайиб қолди. "Юлдузлик" даражамиз ёхуд унвон?


— Битта иккита кўшиқ айтган билан киши машҳурлик даражасига етиб қолмайди. Бунинг учун кекса-ю ёшга манзур бўлгучи, барчага бирдек маънавий озуқа берадиган, мукамал асарлар ижод қила билиш керак. Қисқаси, ўткинчи куй ва кўшиққа чалинган қарсақлар ҳам ўткинчи бўлади.

— Пул сизнинг ҳаётингизда қай даражада ўрин эгаллайди?

— Аввало, инсон ким бўлишидан қатъий назар, ўз касбини пухта эгаллаб, уни меҳр билан бажарса, пулниги ўзи ўша одамнинг ортидан эргашади. Мен ҳеч қачон пулни биринчи ўринга қўймайман. Касбимни пухтароқ эгаллашга ҳаракат қиламан, холос.

Саодат УМУРЗОҚОВА
суҳбатлашди

САНЪАТ ГЎЗАЛЛИК ДЕМАК



заралари, ҳатто оби-ҳаво, телефон ҳақида ҳам кўшиқлар қилинапти. Менинг репертуаримда ҳам ота-она, дунё, ватан ва бошқа мавзудаги кўшиқлар бор.

— Санъаткор сифатида халқ олдида чиқаётган ёш гуруҳлар ҳақида нима дея оласиз?

• Ажаб дунё

"ЧАҚИМЧИ" КАМПИРЛАР

Кўшнингнинг уйига мўра-ламоқ яхши эмас. Лекин бразилиялик ҳуқуқ посбонларига бу гап тегишли эмасдек кўринади. Рио-де-Жанейро полицияси жиноятчиликка қарши курашда янги дастурни йўлга қўйди. Ушбу дастур "Синчков кўшни" деб номланади.

Қирк нафар кампирга кузатиш учун дурбинлар топширилди. Шундай сўнг бувижонлар кўшни уйлар-

да рўй бераётган воқеаларни кузата бошлади. Бу тажриба тез орада ўз самарасини берди. Кузатувчилардан бири бир гуруҳ ўсмирларнинг кўшни хонадонни ўмараётганликларини кўрган ва тезда полицияга хабар қилган. Жиноятчилар ўша ернинг ўзидаёқ қўлга туширилган. Шундай қилиб, энди қизикувчанлик ҳам қонун ҳимоясига олинди.

ИНТЕРНЕТ ШАЙДОЛАРИ

Немисларга Интернет жуда маъқул тушган кўринади. Айниқса, иш жойидан ушбу тармоққа тўғридан-тўғри улашиш имкониятига эга бўлган кишиларга у роса ёқиб тушган. 16,2 млн. киши ўз ишхонасидаги хизмат компьютерларини шахсий мақсадларда қўллашди. Шундай ҳодимларнинг Интернетдаги руҳсатсиз ўтказган бир ҳафталик вақти 3,2 соатни ташкил этади. Шунинг

ҳам айтиб ўтиш жоизки, Германияда бир соатлик меҳнат 49,23 маркага баҳоланади. Интернет "ёрдами"да йўқотилган иш вақти ҳисоблаб чиқилса, у бюджетга жуда катта зиён келтираркан — йилига 104 млрд. марка! Бунга Интернетда ишлаш ҳақини кўшинг. Иш бевурилар ушбу "қароқчилик"нинг олдини олишга ожизлик қилишмоқда.

ҲОРОВИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Инсон яхши тарбия кўрмаган ва турмушда тажриба орттирмаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга илмайди ва улардан жирканади.

Ҳар кимки илм-ҳикматни деса, уни ёшлагидан бошласин, соғ-саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг улдасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақлансин, хиёнат, макр ва ҳийладан узоқ бўлсин, диёнатли бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотиж бўлсин, илмни ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол-дунёсини аямасин, барча моддий нарсалар тўғрисида билимини эгалласин.

Ақлли деб шундай кишига айтмаски, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга фазилати ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортишга қаратган бўлмоғи лозим. Шундай одамнигина ақлли ва тўғри фикр юритувчи деб аташ мумкин.

Ақлли кишилар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга беришган, зарур нарсаларни қашф ва ихтиро этишда зўр истеъдодга эга, ёмон ишлардан ўзини четта олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топшиш учун зеҳн-идрокка эга бўлганларни ақлли деб бўлмайди, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим.

"ХАВАР" газетаси жамоаси газетанинг таҳрир хайъати аъзоси А. Кудиновга уқаси

Владимир Николаевич КУДИНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Алоқа дунёси" журнали жамоаси журналнинг бош муҳаррир ўринбосари А. Кудиновга уқаси

Владимир Николаевич КУДИНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

"ХАВАР" газетаси жамоаси газетанинг собиқ ходими Файрат Қобиловга акаси

Шухрат ҚОБИЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТҮЛЕБОВ
Ёқубжон ХҲАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Таҳририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақола-лардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-3039.
4482 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОСМАХОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6